

## КУРАШ СПОРТ ТУРИ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.5.5.017>

Еримбетов Байрамбай Карлыбаевич,

п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Қорақалпоқ давлат университетининг Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси мудири

*Аннотация.* Мазкур мақолада кураш спорт турини оммавийлигини ошириш муаммолари муҳокама қилинган бўлиб, кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, кураш спорт турини оммавийлигига тўсир қилувчи омилларни ўрганиш ҳамда курашчилар тайёргарлигига инновацион ёндашувларни жорий қилиш ишларини таъмин қилиш зарурлиги асослаб берилган.

*Калит сўзлар:* миллий, кураш, оммалаштириш, спорт, захира, босқич, спорт-соғломлаштириш, ўқув-маишқ, спорт маҳорати, тизим, таълим, илм-фан, илмий-тадқиқотлар, инновация.

## ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОПУЛЯРНОСТИ СПОРТИВНОГО ВИДА «КУРАШ»

*Аннотация.* В данной статье были обсуждены проблемы повышения популярности спортивного вида «кураш», разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему развитию проводимой работы по повышению популярности «кураш». Это также основано на необходимости организации исследований популярности «кураш» и внедрения инновационных подходов к подготовке борцов.

*Ключевые слова:* национальный, «кураш», популяризация, спорт, резерв, этап, спортивно-оздоровительный, тренировка, спортивное мастерство, система, образование, наука, исследования, инновация.

## THE PROBLEMS OF INCREASING THE POPULARITY OF THE SPORTS SPORT «KURASH»

*Abstract.* In this article, the problems of increasing the popularity of the sports sport «kurash» were discussed, proposals and recommendations were developed for the further development of the ongoing work to increase the popularity of «Kurash». It is also based on the need to organize research on the popularity of «kurash» and the introduction of innovative approaches to the training of wrestlers.

*Key words:* national, «kurash», popularization, sport, reserve, stage, sports and wellness, training, sportsmanship, system, education, science, research, innovation.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимиз курашчилари жаҳон спорт майдонларида муҳим ғалабаларни кўлга киритиб келмоқда. Аммо эришилган юксак ўринларни сақлаб қолиш ҳамда келгусида янада ривожлантириш учун машғулот жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ишларимизни давом эттириш зарур ҳамда кураш спорт турининг оммавийлигини ошириш бўйича тизимли ишларнинг самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини

ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони, бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муаян даражада хизмат қилмоқда.

Бизга маълумки жаҳонда ҳар бир миллатнинг ўз миллий спорт тури бўлганидек, қадимдан ўзбек халқининг ифтихори бўлган ўзига хос кураш турлари мавжуд бўлиб, Бухороча кураш, Фарғонача яни белбоғли кураш турлари мавжуд бўлган бўлиб, бугунги кунга келиб «Бухороча усул; Кураш» номини олди. Асрлардан асрга ўтиб, бугунги кунимизгача етиб келган, узоқ тарихга эга бўлган кураш, йиллар давомида ривожланиб мухлислар қалбида завқ уйғотган ҳолда ўзини юксак равишда намойиш этиб келмоқда, азалдан полвонларга турли халқ сайилларидаги ўтказилган беллашувларда жуда қизиқарли ва жозибали бўлиб, шу боис полвонлар эл ичида эъзозланар уларга миллий қахрамонлар сифатида қараланади.

Кураш Ўзбекистонда миллий жанг санъатининг энг машҳур тури ҳисобланади. Ўзбек тилидан таржима қилинган “кураш” “ҳалол йўл билан мақсадга эришиш” деган маънони англатади. Курашнинг бу тури ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тахминан 3,5 минг йил аввал пайдо бўлган ва жаҳонда энг ривожланган спорт турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси билан 1998-йил 6-сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди ва миллий спорт тури – кураш халқаро мақомга эга бўлди.

Курашни кенг тарғиб қилишни давом эттириш, шунингдек, ушбу спорт турини Олимпия ўйинлари дастурига киритиш устувор вазифа ҳисобланади. Миллий спортимиз билан имкон қадар кўпроқ одамлар шуғулланишини, кўпроқ мамлакатларга қизиқишини истаймиз. Бугунги кунда Кураш Миллий федерацияси дунёнинг беш қитъасидаги 121 та давлатда фаолият юритмоқда. Уларнинг энг кўп сони Европа ва Осиёда - 30 дан ортиқ федерациялар рўйхатга олинган.

Тадқиқот мақсади. Кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсилар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифаси. Спорт таълим муассасалари фаолиятида кураш спорт турини оммавийлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини аниқлаш ҳамда спорт таълим муассасалари, спорт федерацияларида тренерларнинг оммавийлаштириш бўйича ишларни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг услуби. Педагогик кузатишлар, анкета сўровлардан фойдаланилди. Ўтказилган тадқиқотда спорт таълим муассасаларидан Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабидан 10 нафар теренер ҳамда Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг 10 нафар тренери қатнашди. Тадқиқот давомида уларнинг илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича берилган жавоблари таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Бугунги кунда кураш спорт турининг оммавийлигини таъминлашда қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади.

Аҳоли ўртасида кураш миллий спортини оммалаштиришнинг назарий-амалий муаммоларини ўрағниш;

Кураш миллий спорт тури бўйича малакали мутахассислар, тренерлар ҳамда ҳакамлар тайёрлашнинг илмий-ташқилий асослари ишлаб чиқиш;

Юқори малакали курашчиларни тайёрлаш тизимида инновацион ёндашувлар жорий қилиб бориш;

Юқори малакали курашчилар техник ва тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ҳамда мураббийларда замоанвий ютуқлардан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

Терма жамоаларда захираларини ривожлантиришда ёш курашчиларнинг саралаш ишларини тизимли ташкил қилиш, уларни ёшини белгилишда ўзгартириш ҳаракатларига биргаликда қарши курашиш.


Кураш спорти жуда қадимий тарихга эга, ўзининг ижтимоий, фалсафий, педагогик асосларига эга бўлсада ушбу спорт тури бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари курашни ривожлантиришнинг замонавий талабларига тўлақонли жавоб бермайди.

Ҳозирда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида кураш бўйича федерациялар фаолият олиб бормоқда. Бир қатор мамлакатларда кураш таълим муассасаларида ўқув предмети сифатида ўқитилмоқда. Кураш халқаро спорт аренасида кенг омма томонидан тан олинди, 2018 йилги Осиё Ўйинлари (Индонезия, Жакарта) дастурига киритилганлиги дунё миқёсида кураш билан шуғулланувчилар сонининг кескин ортишига олиб келмоқда.

Биз кураш спорт турини оммавийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида кичик бир тадқиқот ишларини ташкил қилдик. Тадқиқот ишимизда спорт таълим муассасаларидан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби) тренерлари ҳамда олимпия ва паралимпия захиралари коллежи тренерлари (Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежи) иштирок этишди.

Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактабидан 10 нафар тренер иштирок этган бўлса Нукус олимпия ва паралимпия захиралари коллежидан 10 нафар тренер қатнашиб, уларга айнан спорт турини оммавийлаштириш бўйича саволлар билан муносабат қилинди.

Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби тренерларига “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” деган саволга 83% тренерлар “Йўқ, ташкил қилмайман”, 17 % “Баъзида ташкил қиламан” деб жавоб беришган (1-расм).




1-расм. “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” саволига берилган жавоблар диаграммаси.

1-расм. “Сиз спортчи-ўқувчилар орасида оммавийлаштириш бўйича ишларни ташкил қиласизми?” саволига берилган жавоблар диаграммаси

Шунингдек, “Фаолиятингизда айнан қайси инновацион услубдан фойдаланасиз?” деган саволга жавоб беришмаган.

Мазкур саволлар Нукус олимпия ва паралимпия захиралари тренерларига берилганда, яъни “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланасизми?” деган саволга 27% тренерлар “Ҳа, фойдаланаман”, 65 % “Баъзида фойдаланаман”, 8 % “Ҳар доим фойдаланаман”, деб жавоб беришган (2-расм).



2-расм. “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланишимиз?” саволига берилган жавоблар диаграммаси.

2-расм. “Сиз спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланишимиз?” саволига берилган жавоблар диаграммаси

Саволларга берилган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак Нукус шаҳар 2-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби тренерлари ҳамда Нукус олимпия ва паралимпия захиралари спортни оммавийлаштириш бўйича инновацион методлардан фойдаланиш даражасини турли эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқот натижалари спорт таълим муассасаларида оммавийлаштириш бўйича ишларини қўйи бугундаги ташкил қилиб бориш кераклигини исботлаб берди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур йўналишда қуйидаги муаммоларнинг илмий ечимини топиш зарур:

халқаро ва маҳаллий кураш мураббийлари, ҳакамлар ва экспертлари учун мўлжалланган ягона ва барча томонидан бирдек тушуниладиган кураш атамалари мавжуд эмас. Бу ҳолат ўз навбатида курашга хос бўлган махсус терминларнинг ноўрин ёки турлича қўлланилиши ҳамда тушунилишига олиб келмоқда;

кураш усуллари систематикаси, уларнинг бир биридан фарқли жиҳатлари ҳамда уларни ўргатиш жараёни ягона тизимга солинмаган. Мазкур ҳолат бевосита кураш усулларини турли ёш ва жинс қатламларига, дунёнинг турли мамлакатларидаги кураш мутахассисларига курашни ўргатиш жараёнида муаммо салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан ҳам курашни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ягона кураш усуллари систематикасини ишлаб чиқиш ҳисобланади;

ҳозирги кунда Республикамиз ва хорижий мамлакатлар кураш мутахассисларининг билим, кўникма ва малакаси ўзаро фарқли бўлган турли меъзонлар бўйича баҳолаб келинмоқда. Ушбу ҳолат халқаро ва Республикамиз миқёсида тажрибали ва маҳоратли кураш мутахассисларини саралаб олишга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабдан кураш усуллари классификациясидаги мавжуд улоқтириш усулларини билишга асосланган кураш мураббийлари, ҳакамлар ва экспертларнинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш платформасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга;

кураш машғулотларида машқ ва тикланиш вақтини турли факторларга асосан белгилаш ва ташкил этиш бугунги мураббийлар амалиётида кузатишмоқда. Натижада аксарият ҳолларда машқ ва тикланиш оралиқлари ўзаро номутаносиб ташкил этилиб, машғулот олдига қўйилган мақсадга эришиш мураккаблашиб

бормоқда. Шу сабабдан курашчилар беллашув фаолиятини таҳлил қилиш асосида машқ ва тикланиш вақтининг оптимал параметрларини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга;

кураш тезкор ва шиддатли спорт тури ҳисобланади. Беллашув жараёнида хилма-хил техник ҳаракатлар амалга оширилади. Айрим ҳолларда мутахассислар тўғри қарор қабул қилсалар, бошқа ҳолларда эса улар ўртасида баҳсли вазиятлар юзага келмоқда. Кураш бўйича мусобақа жараёнидаги экстримал ҳолатларни тезкорликда, аниқ ва самарали баҳолаш ўта муҳим масала саналади. Шу сабабдан кураш беллашувларидаги ўзгарувчан вазиятлар акс эттирилган, моделлаштирилган вазиятлар платформасини яратиш зарур ҳисобланади;

хорижлик ма маҳаллий кураш мутахассислари томонидан курашга доир маълумотлар, назарий ва услубий билимлар бериш имкониятига эга механизм мавжуд эмас. Ҳозирги кунда дунё мамлакатларидаги кураш мутахассислари турли манбаалар асосида кураш бўйича маълумотлар олмоқда. Бу ҳолат оз навбатида кураш мутахассисларига назарий ва услубий билим бериш имкониятига эга механизм электрон платформасини ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни”.-Б.29.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4881-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-5280-сонли қарори.

6. Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в олимпийском спорте. -М.: Советский спорт, 2005. - 820 с.

7. Юров И.А. Психологические свойства спортсменов: учебное пособие. -М.: РУСАЙНС, 2021. -108 с.

8. Горская И.Ю. Координационная подготовка спортсменов: монография. -Омск: СибГУФК, 2015. -220 с.

9. Кыласов А.В. Мировая система спорта: учебное пособие. –М.: КНОРУС, 2019. -132 с.

10. Губа В.П. Теория и методика современных спортивных исследований: монография.-М.: Спорт, 2016. – 232 с.